ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
O'K.U.F. F.T.U.U.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

ISHONCH

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

2007 йил 16 январ
сешанба № 8 (2265)

Ислом КАРИМОВ:

Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳиятини кескин ошириш, армиямизда соғлом маънавий муҳитни мустаҳкамлаш, профессионал тайёргарлик даражасини юксалтиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган сержантлар тайёрлаш мактаблари барпо этилди ва улар замонавий жанговар-ўқув базалари билан таъминланди. Бугун сержантлар таркиби армиямизнинг том маънодаги таянч устунига айлангани, улар аскарларнинг устози, офицерларнинг энг яқин ёрдамчисига айланиб бораётганини алоҳида таъкидлашимиз зарур.

Фахр

Тўғриси, Тошкент шаҳри Ислом маданиятининг умумжаҳон пойтахти деб эълон қилинганидан жуда фахрландик. Бу ислом дунёсининг эътирофи бўлибгина қолмай, айни пайтда Ўзбекистонда диний эътиқод таъқиб этиляпти деб туҳмат қилаётганларга берилган муносиб зарба ҳам бўлди. Шундай иғво билан мақсадга эришиб бўлмайди. Атиги икки ойдаёқ ҳақиқат ойдинлашди.



АВЛИЁСИ АЗИЗ ЮРТИМ

Ўзбек давлатчилигида Ислом маданиятининг гуллаб-яшнаши асосан икки даврга тўғри келади. Бири — Амир Темур даври, иккинчиси ҳозирги давр. Темур бобомизнинг ислом дини тараққиёти йўлидаги хизматларини сўз билан ифодалаш шарт эмас, ҳаммасига тарих гувоҳлик бериб турибди. Ул зотнинг ўзи бу дунёда нима ишлар қилган бўлса, ҳаммасини исломнинг тараққиёти учун қилганини таъкидлаб ўтган.

Ўша давр, аввало, мусулмон оламининг муқаддас китоби — Усмон қуръони юртимизни нурафшон қилгани, масжидлар, мадрасалар, мақбаралар қурилгани, азиз-авлиёлар қадрланиб, юртда иймон-эътиқод қарор топганлиги билан тарихда ўчмас из қолдирди. Бундай нурафшонлик мўғуллар истилоси қолдирган оғир асоратлардан сўнг юзага чиқди.

Мен ҳозирги кунни ўша даврга қиёслар эканман, ўпирилиш билан кўтарилиш ўртасида қандайдир ўхшашлик борлигига эътибор қаратдим. Ўпирилиш ҳақида гап кетганда, ўтган асрнинг йигирманчи ёки ўттизинчи йилларини қўя турайликда, яқин ўтмишдаги саксонинчи йилларни эслайлик. Айтингчи, ўшанда ислом дини қатағон қилинганини унутиб бўладими?! Егор Лигачёвга яхши кўринмоқчи бўлган ўзимизнинг «мўғуллар» эътиқодли халқимизни не кўйларга солишмади. Намоз ўқиш тугул, жанозага борганни ишдан ҳайдашди. Ёш келин-куёвларга никоҳ ўқиш тақиқлаб қўйилди. Ҳайит намозлари тарқатиб юборилди. Ҳатто диний байрам кунлари одамлар бормасин деб қабристонларга милиционерлардан соқчилар қўйилди. Рўза кунлари ишхоналарда ҳар куни одамларга мажбурлаб сув ичирилди. Масжидларни бузиб, ўрнида чойхона ёки клуб қурганлар рағбатлантирилди. Шайтонга ишқи тушган бир хонимча раҳбар Ўзбекистон телевидениесидаги маънавий бойлик — бизнинг улуғларимизга дахлдор барча видеофилмлар ва бошқа асарларни ўчириб йўқ қилиб ташлаш, шундай кўрсатувларни тўхтатиш ҳақида буйруқ берди. Бу ҳам етмаганидек, аёл боши билан қабристонларга бориб гўрковларни ҳақорат қилди, азиз-авлиёлар ётган жойларни оёқости қилдирди.

Буларни унутиб бўлмайди, унутишга ҳаққимиз йўқ. 2007 йилда Тошкент шаҳри Ислом маданиятининг умумжаҳон пойтахти деб эълон қилинганлиги нафақат бизга туҳмат тамғасини босаётганларни, балки ўзимизда динни қатағон этишда қатнашган манқуртларни ҳам шармандаю шармисор қилди.

Энди кўтарилиш даврига тўхталадиган бўлсак, шаксшубҳасиз, бу жараён Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг эълон қилиниши, Усмон қуръонининг яна юртимизга қайтиши, мамлакатимизда иймон-эътиқод ва диний бағрикенгликнинг қарор топиши, юртимизда Чунончи, Оллоҳнинг севган бандалари — азиз-авлиёларни зиёрат қилганга нима етсин. Улуғ инсонларнинг руҳини шод этсангиз маънавий-руҳий озиқ оласиз. Бу ҳам гуноҳлардан фориғ бўлишнинг бир йўли.

Бизнинг ватанимиз азиз-авлиёлар юрти ҳисобланади. Дунёдаги ҳеч бир давлатда бизнинг юртдагидек кўп авлиёлар ўтмаган. Ҳозир уларга муносабат қандайлигини юқорида айтиб ўтдик. Мен уларнинг аксариятини зиёрат қилиб, халқимизнинг уларга ихлос-эҳтиромлари қай даражада эканлигини ва зиёратгоҳлар киши руҳиятини кўтарадиган даражада обод этилганлигини кўрдим. Шунга қарамасдан қиёслаш ҳақиқатни яна ҳам ойдинлаштиради деган мақсадда бир мисол келтирмоқчиман.

Ўтган йилнинг ноябр ойида Марказий Осиёдаги давлатлардан бирига бордим. Мақсад улуғ боболаримиздан бири — жаҳонга машҳур авлиёнинг қабрини зиёрат қилиш эди. Мақбаранинг атрофида ахлат уюмлари кўзга ташланади. Микрофонда кимдир музейга билет олиб киринглар, деб сайраб турибди. Ёш йигит-қизлар сафга тизилиб билет олишяпти. Кейин билсак, булар экскурсияга келган талабалар экан. Ҳақиқатдан ҳам деворга фалончи шоирнинг музейи деб ёзиб қўйилибди. Биз ҳам билет олиб кирдик. Ичкарида Қуръон тиловат қиладиган домлани эмас, талабаларга қандайдир тошларни тушунтираётган экскурсоводни учратдик. Улуғ бобомиз билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Деворга қоқилган тахтачага «бу шоир фалон асрда яшаган, у халқ мақолларидан фойдаланиб шеър ёзган» деб ёзиб қўйилибди. Мен тахтачадаги ёзувни бошидан охиригача қайта-қайта ўқиб чиқиб «ислом», «авлиё», «мақбара» деган сўзларни учратмадим. Қуръон тиловат қилиб, унинг савобини улуғ бобомизга бағишлаб қайтавердик. Уйга қайтгунча бизни фақат бир ўй-хаёл чулғаб олди: эҳ, шу мақбара бизнинг юртимиз ҳудудида бўлганида бормиди?!

Бизда азиз-авлиёларнинг мақбараларини таъмирлаш, атрофларини ободонлаштириш, масжидлар ва таҳоратхоналар қуриш, зиёратчиларга қулай шарт-шароитлар яратиш ишларига давлат миқёсида аҳамият берилмоқда. Мен Қорақалпоғистондаги ҳамда Бухоро, Самарқанд, Навоий, Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм, Фарғона, Тошкент вилоятларидаги деярли барча зиёратгоҳларда бўлдим. Ҳаммаси ободонлаштирилган. Ҳаммасининг эшиклари очиқ. Эркин кириб зиёрат қилиб чиқасиз. Ҳаммаёқ саранжом-саришта, гиламлар устига кўрпачалар тўшалган, намозжой жиҳозлаб қўйилган, иссиқ сувли таҳоратхона ишлаб турибди, зиёратгоҳлар атрофида ташкил қилинган хушманзарадан баҳри дилингиз очилади.

Шубҳасиз, бунга эътибор ва яна эътибор туфайли эришилмоқда. Мен давлат миқёсида эътибор берилган бир неча мисолларни эслатиб ўтмоқчиман. Муқаддас ислом дини ва ислом фалсафаси ривожига катта ҳисса қўшиб, бу борада бой маънавий мерос қолдирган улуғ зот Хожа Аҳрор Валий ҳозирги Тошкент вилояти ҳудудида туғилган. Валийлик даражасига етган бу улуғ бобомиз нафақат Тошкент ва Самарқандда, балки бутун ислом оламида маълум ва машҳур бўлган. Ўзбекистон ҳукуматининг қарорига кўра, таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан ул зотнинг Самарқанд туманидаги меъморий мажмуаси қайта таъмирланди ва ён-атрофи ободонлаштирилди.

Бир неча йил олдин тариқат пирларидан бири Ҳазрат Абдуҳолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллиги нафақат Ўзбекистонда, балки жаҳон ислом оламида кенг нишонланди. Бу зоти шариф авлиёлар султони, буюк тарбиячи, Хожагон тарақатининг асосчиси сифатида бутун дунёда маълуму машҳур бўлган ва Хожаи жаҳон деган ном олган. Шундай улуғ зот ватандошимиз бўлганлигининг ўзи ҳар биримизда фахр-ифтихор туйғусини уйғотади. Ҳазратнинг бой маънавий мероси — қолдирган асарлари ҳорижда ва ўзимизда нашр этилмоқда. Ғиждувонда туғилиб, шу ерда вафот этган авлиёнинг руҳлари Баҳоуддин Нақшбанд бобомизни тарбия қилган.

Гап авлиёларга давлат даражасидаги эътибор ҳақида борар экан, Баҳоуддин бобомизнинг мақбара мажмуасида 2003 йилда бажарилган ишларни кўриб лол қоласиз. Зиёратгоҳда ажойиб меъморий мўъжиза яратилган. Барча қайта қуриш, таъмирлаш, сайқал бериш, ободонлаштириш, зиёратчиларга шарт-шароит яратиш ишлари улуғ бобомизнинг жаҳон мусулмон оламидаги обрў-эътиборига муносиб тарзда бажарилибди. Ул зоти шарифнинг руҳини шод қилганларнинг қўллари дард кўрмасин.

Юртбошимизнинг ташаббуси ва бевосита эътибори туфайли Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий бобомиз мангу макон топган жойда яратилган мақбара мажмуаси бутун халқнинг севимли зиёратгоҳига айланди. Хориждан келиб зиёрат қилаётганларнинг дил сўзларини эшитиб қалбингиз қувончга тўлади. Мен бундан ўттиз беш йил олдин қадимги Хартанг қишлоғида бўлиб, улуғ бобомизни зиёрат қилган эдим. Ўшанда қабрнинг атрофида қандай бинолар жойлашганлиги эсимда қолганди. Ҳозир бу ердан чиқаётган нур бутун Ислом оламини ёғдудек ёритиб турибди.

Тарихий манбаларда айтилишича, биргина Бухоронинг ўзида юздан ортиқ авлиёлар ўтган экан. Уларнинг аниқланганларидан ҳеч бири эътибордан четда қолмаган. Масалан, етти пирга тегишли мақбара-мажмуаларнинг ҳаммаси таъмирланиб, ободонлаштирилиб, халқнинг қадами узилмайдиган зиёратгоҳларга айлантирилган. Биз озодалик, саранжом-саришталик, зиёратчиларга яратилган қулай шарт-шароитларни, жумладан, Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хожа Муҳаммад Ориф ар-Ревгарий, Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий, Хожа Али Рометаний, Сайид Амир Кулол мақбара мажмуаларида ва бошқа жойларда ҳам кўрдик.

Ҳозир юртимиз тупроғида ётган авлиёлар ҳақида аниқланган манбалар кўп. Қўлимда 1119 — 1230 йилларда яшаган буюк тариқатчи Фаридиддин Атторнинг «Тазкират-ул авлиё» китоби. Ундан бир парча келтирамиз: «Расули акрам жанобимиз охират диёрига ташриф буюрар эканлар, Ҳазрати Умар ва Ҳазрати Алига муборак мураққаъларини (кийимларини) бериб, Увайс ҳазратларига элтмоқни васият қилдилар ва Ҳазрати Увайсни (кўринишларини) таъриф этдилар: «Бадани юнглидир, ўнг қўлининг панжасида оппоқ, бир тангачалик хол бордир. Мендан салом айтингиз. Мураққаъни кийиб, умматимни дуо қилсин...»

Пайғамбаримиз айтган ўша улуғ зотнинг қабри Қорақалпоғистоннинг Беруний туманидаги Муножот тоғига яқин жойда. Хоразм хонларидан бири унга мақбара қурдирган. Султон Увайс Қараний бобо асли Ямандан бўлиб, Хоразм чўлларида туя боқиб ҳаёт кечирган. Ҳар куни Муножот тоғининг баланд чўққисига чиқиб, Оллоҳдан халққа шафоат тилаган. Тоғда авлиёлар султонининг оёқ излари сақланиб қолган. Султон Увайс бобо пайғамбаримиз яшаган даврда яшаганлар ва Расулуллоҳ ул зот билан ғойибдан дўст тутинган.

Авлиёлар султони ётган жой қадимдан хоразмликларнинг муқаддас зиёратгоҳи ҳисобланади. Ҳозир ҳам ҳар куни минглаб одам зиёратга келади, юзлаб жонлиқ сўйилади. Кейинги уч-тўрт йилда бу ерда катта ҳажмда қурилиш ҳамда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Жумладан, масжид, таҳоратхона, ошхона, меҳмонхона бинолари қурилди. Ўзгаришлар жараёни давом этмоқда. Мен бу ерда ҳар йили бўламан. Ҳар сафар Муножот тоғига чиққанимда улуғ бобомизнинг руҳи поклари юртга тинчлик ва омонлик, халққа шафоат тилаб акс-садо бераётганини сезгандай бўламан.

Юртимиз не-не босқинларни кўрмади. Халқимиз не-не вахшийликлару ёвузликларга дучор бўлмади. Бироқ ҳеч ким ва ҳеч қандай куч бизни иймон-эътиқоддан айира олмади. Аксинча, оғир пайтларда бизга азиз-авлиёларимиз руҳи мададкор бўлди. Иншоолло, бундан кейин ҳам шундай бўлади. Иймон-эътиқод тараққиётда танлаган ўз йўлимиздан боришда бизга нурафшонлик бағишлайди.

Садағанг кетай, авлиёси азиз юртим!

Иброҳим НОРМАТОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист



ШОН-ШАРАФГА АЙЛАНГАН БУРЧ

Ўтган ҳафта мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлганидек, вилоятимизда ҳам Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ўн беш йиллиги кенг нишонланди. Байрам муносабати билан юртимиз мудофаа салоҳиятини янада юксалтириш, сарҳадларимиз дахлсизлиги ва миллий хавфсизликни таъминлаш, ёшларни она-Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшган ҳарбийларимиз, мард ва жасур аскар ўғлонларимиз шарафланди.

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси вилоят вакиллигимиз тармоқ тизимидаги ташкилот ва муассасаларда Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган «Оммавий ватанпарварлик ойлиги»ни ўтказиш бўйича дастур ишлаб чиқди. Унга асосан вилоят мудофаа ишлари бўйича бошқармаси, Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» кенгаши ҳамкорлигида меҳнаткашлар, айниқса, ёшлар ва ҳарбий хизматга чақирилувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни ҳар томонлама чиниқтириш мақсадида уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашувлар, давра суҳбатлари, шунингдек, турли спорт мусобақалари уюштирилди. Айниқса, Бухоро автомобил мактабида «Армия — ҳаёт мактаби», «Ватан муқаддас, Ватан биттадир» мавзуидаги тадбирларда она юрти, ўз халқи ва тупроғи ҳимоячиси бўлишга лойиқ ва лаёқатли ўғлонлар учун ҳарбий хизмат шарафли бурч эканлиги алоҳида таъкидланди. Уруш ва меҳнат фахрийлари ва байналмилалчи жангчилар билан уюштирилган давра суҳбатида ҳам ватанга хизмат қилиш нафақат мажбурият, балки шарафли бурч эканлиги таъкидланди. Буни учрашув чоғида ёшлар билдирган жонли ва теран хулосалардан ҳам сезиш мумкин эди.

Шунингдек, курсантларни бой тарихимиз, миллий қадриятларимиз билан таништириш мақсадида қадимий шаҳримиздаги зиёратгоҳ ва обидаларга саёҳат уюштирилди.

Шаҳар автомобил мактаби ҳомийликка олинган ҳарбий қисмларда аскарларни ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида курсантлар учун саёҳат ташкил этди. Аскарлар турмуш тарзи, яшаш шароити, ҳарбий қисмда фойдаланиладиган замонавий қурол-аслаҳалар ёшларда катта таассурот қолдирди. Айниқса, аскарлар ва курсантлар ўртасида ҳарбий спорт турлари бўйича мусобақа байрам шодиёналарига айланиб кетди.

Ғолибларга Фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Бахтиёр САИДОВ,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилоят вакиллиги ташкилий ишлар бўлими мудири

Тадбир

«ОНА ВАТАНИМИЗГА ХИЗМАТ ҚИЛАЙЛИК»

Жамиятда рўй бераётган воқеа-ҳодисалардан аҳолини хабардор қилишда оммавий ахборот воситалари ходимларининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Давр ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий жабҳадаги воқеликларни оммага етказишдек масъулиятли вазифани адо этаётган журналистлардан ҳамиша изланишни тақозо этади.

Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан уюштирилган тадбирда ана шу жонкуяр ва заҳматкаш инсонлар меҳнати алоҳида эътироф этилди. Ижтимоий ҳимоя йили ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ўтказилган «Она ватанимизга хизмат қилайлик» деб номланган ушбу тадбирга мамлакатимиз пойтахтида яшаб, ижод этаётган оммавий ахборот воситалари ходимлари, журналистлар таклиф этилди.

Ўтган йили Қашқадарё вилояти ҳаётида улкан ўзгаришлар юз берди. Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тўйи муносабати билан воҳа маркази улкан қурилишлар майдонига айланди. Муҳташам иншоотлар, кенг ва равон кўчалар, обод ва кўркам хиёбонлар шаҳар кўркига кўрк қўшди. Қарши шаҳри том маънода республикамиздаги замонавий шаҳар тусини олди.

Бундан ташқари, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни тарбиялаш йўлидаги интилишларимизнинг ёрқин ифодаси саналган «Умид ниҳоллари-2006» спорт мусобақаларининг Қашқадарё вилоятида ўтказилиши ҳам алоҳида аҳамият касб этди. Мусобақалар арафасида Қарши шаҳрида кенг кўламли бунёдкорлик ва ободончилик ишлари амалга оширилди. Янги Марказий стадион, Қарши Олимпия заҳиралари спорт коллежи воҳа ёшлари учун ажойиб совға бўлди.

Умуман, воҳадаги бу каби улкан бунёдкорлик ишлари ва тадбирларни журналистлар кенг ёритиб бордилар.

Тадбирда сўзга чиққан тарих фанлари доктори Убайдулла Уватов, Республика байналмилал маданият маркази раҳбари Насриддин Муҳаммадиев, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети кафедра мудири Бойбўта Дўстқораев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Арслон Эшмуродов, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Спорт» телеканалининг спорт шарҳловчиси Азим Алимов, «Народное слово» газетасининг масъул котиби ўринбосари Николай Орлов, «Олтин мерос» хайрия жамғармасининг раиси Амирқул Каримовлар Президентимиз Ислом Каримов томонидан эълон қилинган «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат Дастурининг истиқболлари ҳақида тўхталиб ўтдилар. Айни кунларда юртимиз узра кенг нишонланаётган Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан барчани табрикладилар.

Қашқадарё вилоят ҳокимлиги вакили томонидан қатнашчиларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Ўзбекистон халқ артисти Замира Суюнова, хонандалар Бекмурод Жўраев, ака-ука Абдурашид ва Алижон Исоқовлар, «Ниҳол» мукофоти совриндори Адҳам Солиев ижросидаги қўйқўшиқлар даврага ўзгача файз киритди.

Ҳидоят ЖЎРАЕВА,
«Ишонч» мухбири

Андижон томонларда

БИРИНЧИ ХАЙРЛИ ҚАДАМ

Жорий йил юртимизда «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинди. Бу йилда амалга ошириладиган хайрли ишларда ҳар бир инсон, корхона ёки муассаса ҳам фаол иштирок этиши лозим.

Хўжаобод туман халқ таълими бўлими бу йилда дастлабки қадамни қўйди. Ўқувчиларнинг қишки таътил кунларида ҳудудда байрам тадбирлари уюштирилиб, кам таъминланган оила фарзандларига 240 минг сўмлик совға-саломлар улашилди. Шунингдек, вилоят Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳам бу ишда ўз улушини қўшди. Яъни, туман мактабларида таълим олаётган 80 нафар кам таъминланган оила фарзандларига спорт формаларини бепул тарқатди.

— Ушбу йилда алоҳида дастур ишлаб чиқиб, уни ҳаётга жорий этиш ниятидамиз, — дейди туман ХТБ бошлиғи вазифасини бажарувчи Н.Жўраев. — Асосий эътибор кам таъминланган оила фарзандлари, ногирон ўқувчилар ва якка-ёлғиз фахрийларга қаратилади. Айниқса, тақдир тақозоси туфайли ногирон бўлган, якка тартибда таълим олаётган ўқувчиларга ўқув қуроллари ҳамда қулай шароит яратиш асосий йўналишимиздир. Шу билан бирга уларни оромгоҳ ва дам олиш уйларида саломатликларини тиклаймиз. Ногирон ўқитувчиларимизга ҳам доимий кўмак кўрсатилади.

Асака тумани марказий шифохонаси маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси 2007 йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинишига бағишлаб тадбир ўтказди. Бир пиёла чойга таклиф этилган фахрий шифокорлар ҳамда кам таъминланган тиббиёт ходимларига совғалар улашилди. Улардан 10 нафарига 50 минг сўмдан моддий ёрдам ажратилди.

БИР ПИЁЛА ЧОЙ УСТИДА

Ўтган йил сарҳисоби ва жорий йилда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

— Шифохонамизда ишлаётган 16 нафар ногиронларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, уларга имкон даражасида кўмак бериш режалаштирилди, — дейди соғлиқни сақлаш ходимлари туман кенгаши раиси Замира Бўтаева. — Яъни сиҳатгоҳларга бепул йўлланмалар, уларнинг фарзандларига эса оромгоҳларда дам олиш учун шароит яратилади. Яна 16 ёшга тўлмаган фарзандлари бор ходимларга ҳам моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилади.

Шунингдек, тиббиёт тизимида самарали меҳнат қилаётган бошқа ходимлар учун маданий ва маънавий кўмак, мароқли дам олишлари учун шарт-шароитларни яхшилаш ҳақида келишиб олинди.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ишонч» мухбири

Ҳақ — ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик!

Олий Мажлис Сенатининг 2006 йил 30 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарори ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги муҳим воқеалардан бири бўлди. Биринчи марта адашиб ёки эҳтиётсизлик оқибатида ва бошқа ҳолатларда жиноят содир этиб, қилмишидан пушаймон бўлган, ундан тўғри хулоса чиқарган маҳкумларнинг озод қилинишини, уларнинг йўлига кўз тикиб ўтирган ота-оналари, оила аъзолари, фарзандлари қандай интиқлик билан кутаётганликларини бир сўз билан ифодалаш қийин.

Амнистия

ИНСОНГА ҒАМХЎРЛИК — БОШ МАҚСАД

Шу ўринда бу галги амнистия олдингиларидан ўзининг айрим хусусиятлари билан тубдан фарқ қилишини алоҳида қайд этиш лозим. Шубҳасиз, ҳар қайси меъёрий ҳужжат фақат ўз вақтида, қонуний ва холисона ҳаётга татбиқ этилсагина, кутилган натижаларга эришиш мумкин.

Айни дамда ушбу қарорни ижро этадиган идораларга катта масъулият юклатилган. Амнистия талаби асосида жазодан озод этиш, жойларда уларни қўллаб-қувватлаб, ишга жойлаштириш, моддий, тиббий, керак бўлса, маънавий ёрдам кўрсатиш нафақат давлат идоралари, балки жамоат ташкилотлари, маҳалла қўмиталари ва корхона-ташкилотларнинг ҳам вазифасидир.

Собиқ маҳкумларнинг озодликдаги ҳаётга тезда кўникиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишларида, уларнинг қайта жиноят содир этмасликларида юқорида кўрсатилган идоралар билан биргаликда ички ишлар, меҳнат органлари ва ижтимоий кўникма марказлари ходимларининг ўз хизмат вазифаларига виждонан ёндошишлари ҳам катта рол ўйнайди.

Аввало шуни айтиш керакки, қарор 2006 йил 1 декабр кунига қадар жиноят содир этган ва жазони қаерда ўтаётганлигидан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан судланган шахсларга қўлланилади.

У ҳар бир шахсга нисбатан якка тартибда амалга оширилади. Зарур маълумотлар етарли бўлмаган тақдирда амнистия қўллаш масаласи қўшимча ҳужжатлар олгунга қадар, лекин 2 ойдан ортиқ бўлмаган муддатгача кечиктирилади. Шундан кейин қарор мавжуд ҳужжатлар асосида қабул қилинади. Ўлим жазоси авф этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилган шахсларга амнистия қўлланилмайди.

Агарда қарорнинг таъсирига тушувчи шахсларнинг суд томонидан тайинланган жазо муддатлари амнистия ёки авф этиш тартибида қисқартирилган бўлса, унда ўталган ёки ушбу қарор асосида қисқартирилиши лозим бўлган қисмлар (1/3, 1/4) амалда ўташ учун қолдирилган муддатидан ана шу қисқартиришларни инобатга олган ҳолда ҳисобланади.

Қарорни қўллашда қонунда белгиланган тартибда тугалланган ёки олиб ташланган судланганлик ҳисобга олинмайди. Амалдаги жиноят қонунчилиги бўйича жиноят ҳисобланмайдиган қилмишлар учун жавобгарликка тортилган шахслар ҳам судланмаган деб ҳисобланади. Худди шундай, муқаддам эҳтиётсизлик туфайли содир этилган жиноятлари учун, шунингдек, қасддан содир этилган жиноятлари учун озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазони ўтаб чиққан шахсларнинг судланганлиги ҳам ҳисобга олинмайди.

«Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарорини қўллаш тартиби ҳақидаги Низомда амнистия акти кимларга нисбатан, қайси судлар томонидан ҳукм қилинган шахсларга ва қандай қўлланиши, шунингдек, кимларга қўлланиши мумкин эмаслиги ҳам кўрсатилган бўлса-да, Амнистия тўғрисидаги қарорни қўллаш масаласини судлар томонидан кўриб чиқишда прокурорнинг иштирок этиши қатъий қилиб белгиланган. Бунда судда қатнашаётган прокурор, албатта, судланувчи шахсга амнистиянинг моҳиятини тушунтириши лозим.

Амнистия тўғрисидаги қарорнинг 1-бандини қўллашда, биринчи марта ўта оғир бўлмаган жиноятлар учун ҳукм қилинган шахслар, озодликдан маҳрум қилиш, шунингдек, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолардан озод этилиши ҳам кўрсатиб ўтилган.

Ушбу банднинг "а" бандига кўра ёшидан қатъи назар, биринчи марта содир этган жинояти учун жазо ўтаётган аёллар жазодан озод этилиши белгиланган.

1-банднинг "б" банди таъсир доирасига биринчи марта ўта оғир бўлмаган жиноятлар содир этган 18 ёшга тўлмаган шахслар 1-банднинг "в" банди таъсир доирасига 1946 йил 1 декабрга қадар туғилган эркаклар тушиши белгиланган.

1-банднинг "г" бандига жиноят содир қилгунга қадар доимий яшаш жойи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган, озод этилгандан сўнг Ўзбекистон Республикасида бўлиш учун қонуний асослар бўлмаган, биринчи марта судланган, чет эл фуқароси бўлган шахслар тушиши белгиланган.

Фуқароликка мансублик миллий паспортлар ёки бошқа ҳужжатлар, шу жумладан, тегишли давлатларнинг элчихоналари ёхуд консуллик муассасаларининг расмий тасдиқловчи ҳужжатларига биноан аниқланади. Фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаган тақдирда эса, амнистия таъсирига тушувчи шахснинг фуқаролиги доимий яшаб келган мамлакатнинг амалдаги қонунчилигига асосан ҳал этилади.

Амнистия тўғрисидаги қарорнинг 2-банди таъсир доирасига, уларга тайинланган жазо тури ёки меъёридан қатъи назар, эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этганлар, биринчи марта судланган шахслар, башарти улар ижтимоий хавфи бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган бўлсаларгина тушишлари мумкин.

Қарорнинг 3-банди таъсир доирасига эса қарор қонуний кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида жазони ижро этиш ёки яшаш жойидаги даволаш муассасаларининг тиббий комиссиялари қарорига асосан сил касалининг актив формасига (1 ва 2 гуруҳ диспансер ҳисобидагилар) чалинган деб топилган шахслар ҳамда қарор кучга киргунга қадар қонунда белгиланган тартибда биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари деб топилган шахслар тушиши белгиланган. Ушбу банд жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этган шахсларга (Ўзбекистон Республикасининг ЖК 97-моддаси 2-қисми) қўлланилмайди. Қарорнинг 4-банди таъсир доирасига содир этган жиноятининг оғирлик даражаси ва уларга тайинланган жазо меъёридан қатъи назар, қарор эълон қилинган кунга қадар ўташ учун икки йилдан кўп бўлмаган маҳкумлар тушиши ва бу моддада ҳам жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этган шахсларга қўлланилмаслиги белгиланган.

Бундан ташқари, 5-бандга кўра тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта 10 йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилиниб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод этилиши мумкин.

6-бандга асосан 1 ва 2 бандларда қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган барча тергов ишлари ва судда кўрилмаган ишлар тугатилиши белгиланган.

Амнистия тўғрисидаги қарорнинг 1-банди таъсир доирасига тушмайдиган унча оғир бўлмаган жиноятлар содир этганликда айбланувчи, шунингдек, қарорнинг 3- бандида санаб ўтилган шахсларга, яъни оғир касалликка чалинган ҳамда биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига нисбатан жиноят ишлари ҳаракатдан тўхтатилмайди. Уларни тергов қилиш ва судда кўриб чиқиш умумий тартибда амалга оширилади.

Мазкур қарорга асосан, жазодан озод қилинмайдиган шахслар жазо муддатининг ўталмаган қисми қуйидагича қисқартирилади:

— қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга учдан бир қисмига:

— қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга тўртдан бир қисмига ўталмай қолган жазо муддатлари қисқартирилади.

Шунингдек, 8-банднинг "а" кичик бандига мувофиқ, у ўта хавфли рецидивистларга, жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган маҳкумларга, шунингдек, муқаддам авф этиш ёки амнистия тартибида жазодан озод бўлгач, яна қасддан жиноят содир этган шахсларга татбиқ этилмайди. Шу баробарда 8-банднинг «б» кичик бандига мувофиқ ҳамда 1-, 4-, 6, 7-бандлари тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир қилганлиги учун судланганларга қўлланилмайди.

Давлатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг барчаси фуқаролар учун муносиб ҳаёт шароитларини ташкил қилиб беришга қаратилган. Шундай экан, фуқароларга белгилаб берилган асосий ҳуқуқ ва эркинликлардан тўғри фойдаланиш давр талабидир.

Қаҳрамон СУЛАЙМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма прокурори

МАСЛАҲАТХОНА

САВОЛ: Тугатилаётган қишлоқ хўжалик ширкати боғларини сотиш тартиби қандай?

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январ 255-сон Қарорига мувофиқ боғ ва узумзорларни сотиш тугатилаётган қишлоқ хўжалиги ширкатининг умумий йиғилиши қарори билан фақат ширкат пайчилари ва аъзолари ўртасида ўтказиладиган ёпиқ "Ким ошди" савдосида амалга оширилиши мумкин.

Тугатилаётган ширкатлар негизида ташкил этилаётган боғдорчилик ва узумчилик фермер хўжаликлари ягона ер солиғи тўлашдан 5 йил муддатга, янги ташкил этилаётган агросаноат фирмалари даромад (фойда) солиғи, ер солиғи, мулк солиғи, қўшимча қиймат солиғи, (импортга қўшилган қиймат солиғидан ташқари), ягона солиқ тўлашдан 3 йил муддатга озод этиладилар.

САВОЛ: Болани парвариш қилиш бўйича нафақа тўлови қандай ҳолларда бекор қилинади?

ЖАВОБ: Болани парвариш қилиш бўйича нафақа тўлови қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

— парвариш қилинаётган бола икки ёшга тўлганда;

— бола ихтисослаштирилган муассасага (гўдаклар уйига) тўлиқ давлат таъминотига жойлаштирилганда;

— бола вафот этганда;

— оила, бола билан биргаликда, доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқиб кетганда.

САВОЛ: Ишламаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунча парвариш қилиш бўйича нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби қандай?

ЖАВОБ: Болани парвариш қилиш бўйича нафақа фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан бола икки ёшга тўлгунча ҳақиқатда унинг парвариши билан банд бўлган шахсларга, шу жумладан:

а) ишламаётган оналарга ёки уларнинг ўрнини босувчи бошқа шахсларга (одатда отасига, фарзандликка олган шахсга, васийга ёки бошқа қариндошларига);

б) ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда тўлов - шартнома асосида ўқиётган олий, ўрта-махсус ва ўрта касб-ҳунар таълим муассасаларида ўқиётган оналарга ёки уларнинг ўрнини босувчи бошқа шахсларга;

в) юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ҳамда юридик шахс мақомига эга бўлмасдан фаолият юритувчи деҳқон хўжалигининг аъзоси бўлган оналарга (онасининг ўрнини босувчи шахсларга) тайинланади.

САВОЛ: Ишламаётган оналарга нафақа қачондан бошлаб тўланади?

ЖАВОБ: Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига мурожаат қилинган ойдан, бироқ бола туғилган ойнинг кейинги икки ойидан илгари бўлмаган муддатдан бошлаб тўланади. Нафақа ўн икки ой муддатга, аммо боланинг икки ёшга тўладиган ойни қўшиб ҳисоблаганда, ушбу ойдан ўтмайдиган муддатга тайинланади.

САВОЛ: Ишламаётган оналарга нафақа қандай ҳужжатлар асосида тайинланади?

ЖАВОБ: Болани парвариши бўйича нафақа қишлоқ (маҳалла) фуқаролар йиғини ёки фуқаролар йиғини махсус ваколатли комиссияси томонидан онанинг фуқаролар йиғини раиси номига ёзган аризаси асосида тайинланади. Ариза мазкур шахс доимий рўйхатдан ўтган ҳудуддаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига берилади. Аризага қуйидагилар илова қилинади.

а) бола туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

б) меҳнат дафтарчасининг нусхаси (аввал ишлаганлар учун);

в) оила аъзоларининг, ариза бергунга қадар ўтган ўн икки ой давомидаги даромадлари тўғрисида маълумотнома;

г) боланинг ногиронлиги тўғрисида ТМКнинг маълумотномаси (зарур бўлганда);

д) никоҳ бекор қилинганлиги тўғрисида гувоҳноманинг нусхаси ёки суднинг тегишли қарордан кўчирма (зарур бўлганда);

е) боланинг онаси ўрнига нафақа олувчи шахслар қўшимча равишда онанинг йўқлигини тасдиқловчи ва бошқа ҳужжатларни тақдим этадилар.

Фуқароларнинг хатлари асосида тайёрланган саволларга ҳуқуқшунос Д.МАДИЕВ жавоб берди

Қилмиш-қидирмиш

«СЕЛИТРАФУРУШЛАР» ЖАЗОЛАНДИ

70 ёшни қаршилаган Бозорбой Жумановни шайтон йўлдан урдими, ҳар қалай пул тўплаб селитра савдоси билан шуғулланишга жазм этди. У Бахмалдан ўғли Бекжон Бозоровнинг бошқарувидаги МАЗ-5357 русумли машинада Зафаробод туманига йўл олади. Ҳамид Олимжон номли АХМга келгач, ўз гумашталарини қидира бошлайди. «Бахмаллик деҳқонларга селитра сув ва ҳаводай зарур, — ўйлади Бозорбой Жуманов. — Машинамизни селитрага тўлдириб олсак бўлди, кейин у ёғи жарақ-жарақ пул...» У АХМда яшовчи Шерали Жабборовни топиб муддаосини айтди... Шерали 45 қоп селитрани муҳайё қилиб, 180 минг сўмга сотди. Ҳар қопини 4 минг сўмдан пуллаганидан Шерали беҳад хурсанд бўлди. «Бозорим бароридан келди» деб қўйди ўзича.

Бозорбой Жуманов иккинчи мижози Ҳасан Ҳайдаровни излади, у тезда топила қолди. Буниси анча инсофли мижоз эканми қопига 3500 сўмдан беришини айтди. Унинг қўлига пул тутқазган яна бир харидор Холида Ережапова эса ҳар қопини 3 минг 800 сўмдан жами 50 қоп селитра олишини айтди. Хуллас, яна бир нечта мижоз учун сотиб олинган селитра 9 тонна 150 килограммни, қоплар сони эса 183 тани ташкил этди. Энди бўлди, Бахмалга кетамиз, — деди ота ўғлига. Шундай қилиб жиноий йўл билан тўпланган селитрани Бахмал туманига олиб келишаётганида туманнинг «Деҳқонобод» АХМ ҳудудида вилоят ИИБ ЙҲХБ ЙПХ ходимлари томонидан ушланиб 9 тонна 150 килограмм аммиакли селитра минерал ўғити ашёвий далил сифатида ҳужжатлаштирилди. Ноқонуний савдо бўйича прокуратура тергов ишлари олиб борди.

Шундай қилиб Ҳасан Ҳайдаров, Шерали Жабборов, Холида Ережаповалар Бозор Жуманов билан биргаликда қилмишлари учун қонуний жазосини олишди. Халқимизда жиноят жазосиз қолмайди, деган гаплар бор. Акси бўлганда 70 ёшни қаршилаб қолган Б.Жуманов фарзандларига тўғри йўл кўрсатиб, ҳалол луқма едириш ўрнига қинғир ишларга қўл уриб, қонун олдида жавоб бериб ўтиришармиди.

Алибой ЭРГАШЕВ,
журналист

ҲАРОМ ЛУҚМА

Бибихон туни билан ухлай олмади. Икки ойдан бери телефон қўнғироғини кутаётган эди.

— Бугун дадам телефон қилсалар керак, — деди катта ўғли онасининг кўнглидан кечаётган ўйни уққандек, бурчакда турган телефон аппаратига қараб қўяр экан.

— Мен биринчи гапийаман, — деди митти Жамила бижиллаб. Гўё ҳозир телефон жиринглаб қоладигандек шайланиб.

— Телепончилагаям ишонмайман. Ўзи ишлаяптими, бу қурғур, — Бибихон телефон дастагини кўтарди. Бир маромдаги товушни эшитиб кўнгли тинчиди.

Кечки овқат сузилди. Дастурхон атрофига йиғилган оила аъзолари дилида бир илинж: рўзғор ташвишлари билан узоқ юртларда мусофирчиликда юрган оталарининг соғ-саломатлиги ҳақидаги хабарни, унинг овозини эшитиш.

Телефон қўнғироғи ҳамманинг хаёлини бузиб юборди. «Мен... мен...»

— Ассалому алайкум, дадаси. Соғлиқларингиз жойидами? — кўнгли тўлди аёлнинг.

— Болалар соғ-саломатми? Тинчмисизлар ишқилиб. Мен...

— Пуф-пуф, алло, алло ия, алоқа сузилиб қолди...

Бу дилхиралликдан сўнг косалардаги маставага ҳеч ким қўл узатмади. Жажжи Жамила эрталабгача «дадам»лаб хархаша қилиб чиқди.

Эртаси куни ўғлидан: «Кечқурун ҳудуддаги алоқа кабелларини кимдир кесиб кетганмиш», деган хабарни эшитиб баттар асабийлашди. «Уларнинг жазоси Оллоҳга ҳавола», дея хўрсиниб қўйди.

* * *

2006 йилнинг июн ойи охирлари. Хайриддин тасодифан учратиб қолган эски танишиши Ҳабиб Ғофуровни гапга солди.

— Ака...а, шу десангиз, кейинги пайтда кўринмай қолдингиз?

— Ўзингнинг ҳам бору йўқлигинг сезилмайди. Бир вақтлар анча «таниқли» эдинг, — гапга гап улади Ҳабиб.

Қуш тилини қуш билади, дейдилар. Ҳар иккала муқаддам судланганлар бир-бировининг муддаосини англагандек бўлишди. Шу боис суднинг қора курсисига муқаддам бир неча марта ўтирган Алишер Тўхтаев, Эркинжон Хўжаев ва вояга етмаган Азамат Аллоберганновларни топиш қийин бўлмади.

— Азаматни ёш кўрманглар. У ҳам орамизда «лик-пик» қилиб юрса ишқилиб ризқини топиб ер, дейман-да. Қолаверса, мотоцикли бизга асқотади, — деди даврадагилардан бири.

Бироқ тузилган режа асосида жиноятга қўл ураётганларнинг ҳеч бири Азамат ҳаёт остонасига эндигина қадам қўйган, оқ-қорани, яхши-ёмонни билмайдиган, вояга етмаган ўсмирин эканлигини, уни жиноятнинг жирканч кўчасига олиб кириш тубанлик эканлигини ўйлаб кўришмади.

«Зарафшон» ширкат хўжалиги ҳудудидан ўтган симёғочларга ўргимчакдек ёпишган ўғри йигитлар 839 метр «КСПП» русумли алоқа кабелларини кесиб олишди. Бу билан Қоракўл телекоммуникация боғламаси идорасига 1 миллион сўмдан ошиқ зарар етказишди. Телефон алоқаси узилиб қолганидан юзлаб истеъмолчиларнинг асаби бузилди.

Қилмиш-қидирмиш дейдилар. Жиноятчилар қилмишларига яраша жазосини олишди. Улардан 606 минг сўм пул Қоракўл телекоммуникация боғламаси идораси фойдасига ундирилди. Қолган 404 минг сўмлик моддий зарар эса солидар тартибда ундириладиган бўлди.

Иш бўйича ашёвий далил ҳисобланган 31 килограмм мис симлар давлат фойдасига мусодара қилинди.

Турсунбой ТАНГРИЕВ,
жиноят ишлари бўйича Қоракўл туман суди раиси,
Моҳира ШАКАРОВА,
журналист

Шуни унутмаслик лозим:

- ота-она ҳаётлигида болалар уларнинг мол-мулкига нисбатан мулкдор бўлиш ҳуқуқига эга эмас;

- ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериши шарт, уларни боқиш ва тарбиялашга мажбурдир. Бундай мажбурият ихтиёрий равишда бажарилмаса, отадан (онадан) алимент ундирилади.

Белбоғсиз «йигит»лар

Ривоят қилишларича, қадимда подшоҳлардан бири ўзга юртга ҳужум қилмоқчи бўлса, аввал айғоқчиларини юбораркан. «Билиб келинглар, аёлларга муносабат қандай экан», дея буйруқ бераркан. Аёли эъзозда бўлган юртга уруш очишдан ўзини тияркан. Чунки аёллари хўрланган юртни босиб олиш осон бўлади, деб ҳисобларкан.

ЙЎЛОВЧИ ҚИЗЛАР

Ҳа, ҳамма замонларда ҳам аёллар миллатнинг номуси, ори, шаъни сифатида эъзозланган, ардоқланган. Айниқса, бу масалага бизнинг халқларимиз ўзгача ёндошган. Ҳар бир йигит ўзини оиласидаги, маҳалласидаги аёллар номуси учун масъул деб билган. Ҳозир ҳам кўпчилик шундай фикрлайди. Аммо баъзида нафсни номусдан устун қўювчилар ҳам топилиб туради. Улар аёл номусини асраш ўрнига, уни топтайдилар.

... Урганч туманининг «Юқори Дўрмон» қишлоғида яшовчи Мансур Қурбонов, Раҳимберган Яхшибоев, Дилшодбек Рўзимов, Фахриддин Бобожоновлар «Дамас» русумли автомашинада Нукус шаҳрига йўл оладилар.

Машина Амударё туманининг «Қоратов» посёлкасидан ўтаётганда, икки қиз қўл кўтаришади. Дилшод машинани тўхтатади. Улар Нукусга бораётганлигини айтиб, бирга олиб кетишларини илтимос қилишади.

Қизларни кўриб, Мансур билан Раҳимберганнинг фикри бузилади. Уларга гап отиб, шилқимлик қила бошлашади. Қизлардан бири «турмушга чиққанман, эрим Қозоғистонда» дегач, Мансур очиқдан-очиқ гап ташлашга ўтади. Қизлар бир-икки марта уни жеркиб беришади. «Нукус-Тўрткўл» йўлида кетаётганида Дилшод «Бензин тугади, энди Нукусга бормаймиз», деган баҳона билан машинани тўхтатади. Мансур қизлардан бирини машинадан судраб туширади. Сочидан тортиб, олтмиш метрча ичкарига олиб боради. Қизнинг йиғисига, ялиниб-ёлворишига на Мансур, на ёнидаги уч шериги парво қилишмайди.

Бу пайтда Раҳимберган нариги қизга ёпишмоқчи бўлади. Аммо қиз дод солгач, фикридан қайтади. Машинага қайтиб келган Мансур унга «Бор, анави қизнинг сумкасини олиб кел» деб буюради. Раҳимберган дир-дир титраб турган қизни уриб, сумкасини тортқилай бошлайди. Машина ёнида қолган қиз йиғлаб ёлворади: «Ака, ундай қилманг!». Раҳимберган, «бор», дея қўл силтаганича, сумкани юлиб олади ва машинага қайтади. Шундан сўнг улар машинани ўт олдириб бир зумда кўздан ғойиб бўлишади.

Ярим кечаси, овлоқ жойда ҳимоясиз қолган қизлар дуч келган томонга қараб, «ёрдам беринглар» дея бақиришади. Яхшиямки, шовқинни эшитган бир киши келиб, уларни ички ишлар бўлимига олиб боради. Қизлардан бирининг машина номерини ёзиб олгани қўл келиб, тезкор ҳаракатлар бошланади.

Бу орада анча йироқлаб кетган йигитлар сумка ичидаги нарсаларни бўлиб олиш пайига тушишганди. Дилшод муқаддам судланганлиги, 4 нафар боласи борлиги боис сумка ичидаги узук ва уяли телефонга «эга» бўлди. Қолган нарсалар ва пулни Мансур билан Раҳимберган бўлишиб олади. Фахриддин эса бу можароларга аралашишни ҳам, йигитларнинг жинояти ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга хабар беришни ҳам ўзига лозим топмади.

Қилмиш-қидирмиш деганларидек, ор-номусни унутган бу йигитларнинг юқоридаги сурбетларча қилган ҳаракатлари тез орада фош бўлди ва улар тегишли жазосини олишди.

Ш.РАЖАПОВА,
Жиноят ишлари бўйича Амударё туман суди раиси

Сенинг қаҳрамонларинг, Ўзбекистон!

Мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан бир гуруҳ юртдошларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган эдилар. Шулар қаторида юрт тинчлиги йўлида фидокорона хизмат қилиб келаётган ҳарбийлар ҳам талайгина.

Шимоли-Ғарбий ҳарбий округга қарашли ҳарбий қисмлардан бирида взвод командири бўлиб хизмат қилаётган офицер Шокир Аслонов учун ўтган йил, айниқса, ёдда қоларли бўлди. У Ватанимизнинг юксак мукофоти – «Жасорат» медали билан тақдирланди.

ФИДОЙИ ФАРЗАНД

Шокир Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги Чимбой қишлоғида туғилиб ўсди. Барча қишлоқ болалари сингари уй ва дала юмушларида ота-онасига яқиндан ёрдам берди.

Қишлоқда Ҳайитбуви ая ва Рўзибой ака Аслоновлар оиласини кўпчилик ҳурмат билан тилга олишади. Улар олти фарзанд – тўрт ўғил, икки қизни ҳалол меҳнат билан вояга етказдилар. Фарзандларининг тарбиясида ҳар доим қаттиққўл бўлишди, уларни жисмоний меҳнатдан бўйин товламасликка ўргатишди. Бу оиланинг барча фарзанди бугун ҳаётда ўз ўрнини топган, ҳалол, меҳнаткаш инсонлар бўлиб танилган. Айниқса, ушбу оилада ўсиб улғайган бир-биридан азамат, жасур тўрт оға-ини маҳалла йигитларига ўрнак, десак хато қилмаган бўламиз. Чунки улар кўпчилик ҳавас қилса арзийдиган соҳаларда хизмат қилишади.

Ана шу оила фарзанди Шокирда ҳарбийликка ҳавас мактаб давридаёқ пайдо бўлган эди. Юқори синфга ўтганида чақириққача ёшларни тайёрлаш фани ўқитувчиси Рихситилла ака бўлажак Ватан посбонларига ҳарбий билимларни ўргатиш баробарида кўпчилик йигитлар сингари Шокирнинг кўнглида ҳам бу шарафли касбга меҳр уйғотди. Ана шу меҳр кейинчалик мақсадга айланиб, уни ҳарбийлик касбини эгаллаб, чинакам Ватан ҳимоячиси бўлишга ундади. Шокир ўз мақсадини ота-онасига билдирганида Рўзибой ака ва Ҳайитбуви ая ўғлининг қароридан мамнун бўлишди. Чунки фарзандларининг шарафли касбни эгаллаши ота-она учун чинакамига бахт эди. Шу сабабли улар фарзандига оқ йўл тилашди.

Шокир мактабни битириши билан Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртига ўқишга кирди. Оддийгина қишлоқ боласи учун билим юрти чинакам ҳаёт мактаби бўлди. У ерда олган билимлари, жанговар тайёргарлик машқлари уни тоблади, чиниқтирди. Юрт равнақи учун ўқиш, интилиш, ўрганиш зарур деб билган қаҳрамонимиз тинмай изланди. Устозларининг бераётган сабоқ ва топшириқларини ўз вақтида, аъло даражада ўзлаштириш ҳаракат қилди.

Шокир Аслоновнинг Нукус гарнизонида хизмат қилаётганига ҳадемай етти йил тўлади. Дастлаб қисмга келганида гуруҳ командири бўлиб иш бошлаган эди. Бу ерда ҳам тажрибали офицерлардан йўл-йўриқлар, кўрсатмалар олиб турди. Ўзининг интилувчанлиги билан бир пасда жамоанинг эътиборига тушди. Берилган топшириқларни ўз вақтида бажариши, керакли вазиятларда ўзини йўқотмаслиги, ҳамиша муҳим ва тўғри йўлни танлай билиши учун ҳам сафдошлари уни жуда қадрлашади. Хизмат давомида тажриба тўплаган Шокир, ўз навбатида тажрибали офицер сифатида тан олинди. Айни дамда офицер Шокир Аслонов ҳарбий қисмда взвод командири.

– Мен Ватанимизнинг юксак мукофотига сазовор бўлганимдан бахтиёрман. Бу мукофот нафақат менга, балки сафдошларим ва менга таълим берган устозларимга ҳам берилган. Шунингдек, Ватанимизнинг биз ёшларга юксак ишончидан далолат. Мен ушбу ишончни оқлаб, юртнинг асл ва фидойи фарзанди бўлишга ҳаракат қиламан. Ўйлашимча, профессионал офицер бўлиш учун ҳали кўп ўқиб-ўрганишим, машқларда тобланишим зарур. Чунки ҳарбийлик касби доимий изланиш ва тинимсиз ҳаракатни талаб этади. Ўз олдимга юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлигини таъминлашни мақсад қилиб қўйган эканман, бу йигитлик аҳдим ҳар қандай шароитда ҳам менга таянч бўлишига ишонаман. Мен Ватанимни севаман. Унинг тинчлигини ҳимоя қилиш мен учун шараф.

Офицер Шокир Аслоновнинг сўзларини эшитиб, унинг қалбида Ватан туйғуси нақадар кучлилигини ҳис қилдик. Дарҳақиқат, ҳар қандай туйғунинг сарҳадлари бордир эҳтимол. Аммо Ватан туйғусининг сарҳадлари чексиз.

Она сути, алласи билан юрагимизга жо бўлган бу туйғу бизнинг жисми-жонимизга айланган, десак муболаға бўлмайди. Ватанга ҳалол хизмат қилишни бахт деб билган, унинг истиқлолини кўз қорачиғидек асрайдиган Шокир Аслонов каби офицерларимиз эса айнан шу туйғулар ила қувватланадилар.

Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА,
Роза САЙДАҲМЕДОВА

Археологик топилма

Инсоннинг пайдо бўлиш тарихи кимни ҳам қизиқтирмайди дейсиз? Коинот, олам борки сир-синоатга тўла. Айниқса, Ўзбекистон ҳудудида учраган ноёб топилмалар барчамизни қизиқтиради. Республика ФА академиги Ўткир Исломов билан суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.

ОБИ-РАҲМАТ ҒОРИ

қадимий бой тарихимиз буюклигининг ифодаси

— Ҳозирги сизу бизга ўхшаган одам Марказий Осиёда қачон шаклланган? Унинг тарихи қачон бошланган?

– Оби-Раҳмат ғори ёдгорлигидан 50 минг йил бурун яшаган одам суяги қолдиқлари топилиб, бу одам суяги мустье даврининг неандертал одамидан, ҳозирги одамнинг Homo Sapiensга ўтиш даврига ҳосдир. Топилманинг ноёблиги шундаки, аввало, бу Осиё қитъасида биринчи топилма. Иккинчидан, дунёда биринчи марта шу топилган одамнинг калла суягида неандертал одамига ва Homo Sapiensга, яъни ҳозирги одамга хос белгилар учрайди. Бу эса, бутун дунё олимлари бугунга қадар неандертал одам секин-аста эволюцион йўл билан Homo Sapiens одамига айланган эмас, балки инқилобий йўл билан бирданига Homo Sapiens одами пайдо бўлган деган фикрни рад этади.

Топилган суяк қолдиқлари шу ғорда ҳамкорликда ишлаётган Австралия, Россия, Швейцария, Япония ва германиялик олимлар томонидан обдон ўрганилиб, майдаланиб кетган одамнинг калла суяги тикланди. Олимларнинг тадқиқоти натижасида тишлар икки кишига, яъни 2 та тиш саккиз яшар ва 3 та тиш 4 яшар болага, бош суяги эса 8 яшар болага тегишли эканлиги аниқланди.

Россия Фанлар академияси академиги, атоқли қадимшунос А.П.Деревянко ва бизнинг гуруҳимиз аниқлашича, Оби-Раҳмат ғори илк юқори палеолит даврига тўғри келади. Унда топилган одам суяги қолдиқлари палеантропологик топилма сифатида катта аҳамиятга эга. Узоқ давом этган баҳс-мунозаралардан сўнг, ғорнинг юқори қатлами 42 минг, ўрта қатлами эса 48 минг йил аввал одам яшаганлигидан далолат беради, деб даврланади.

Марказий Осиёнинг тош даври тарихи кўп сонли археологик ёдгорликларнинг мавжудлигига қарамай, Ғарб олимлари учун ҳанузгача кўп жиҳатдан қоронғу бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам Оби-Раҳмат ғоридаги сўнгги кашфиётлар ўз ноёблиги билан бебаҳодир. Умуман олганда, одамзоднинг келиб чиқиши ва Ўзбекистон тарихининг энг қадимги босқичларини тушуниш ва ёритиш ҳамда мамлакат қадимиятини ўрганиш учун халқаро ҳамкорлик ҳақидаги шартномани янада ривожлантириш керак, деб ўйлайман. Шунингдек, Оби-Раҳмат ғорини ўрганиш ҳақидаги хулосаларнинг етакчи халқаро нашриётлар, жумладан, «Antiquinty», «journal of Human Evolution», «Nature» ва бошқа журналларда чоп этилишига эришиш керак. Шунингдек, Россия ФА Сибир бўлими Академияси ва этнография институти ҳамда ЎзФА Археология институти ҳамкорликда Оби-Раҳмат ғорининг қадимги тарихини монография сифатида нашр қилишни режалаштирган.

— Ўткир Исломович, ўлкамиз ўзининг геосиёсий ўрни билан жаҳон цивилизацияларининг шаклланиши ва ривожланишида муҳим мазмун касб этган ва этмоқда. Ана шундай жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган илмий кашфиёт ҳақида гап борганда, Оби-Раҳмат ғорини ўрганиш қайта-қайта таъкидланиши бежиз бўлмаса керак?

— Оби-Раҳмат ғори Тошкентдан 100 км шимолишарқда, Чотқол тоғларидаги Полтов сойининг юқори қисмида жойлашган бўлиб, ўзининг гўзал табиати ва мўътадил иқлими билан ажралиб туради. Ғор 1962 йили кашф этилган. Унда археологик тадқиқотлар ҳозиргача давом этмоқда. Ғорнинг кириш қисми кенглиги 20 метрга яқин, ички сатҳининг узунлиги 9 метрни ташкил этади. Олиб борилган археологик тадқиқотлар Оби-Раҳмат ғорида қадимги тош даврига оид умумий қалинлиги 10 метрни ташкил этган 22 та маданий қатламлар борлигини кўрсатди. Инсон фаолияти давомида пайдо бўлган маданий қатламларнинг бу ерда кўплиги, ғор узоқ вақт ибтидоий одамларнинг хуш кўрган, муқим манзилгоҳларидан бири эканлигидан гувоҳлик беради.

Археологик топилмаларнинг умумий таҳлили, яъни Оби-Раҳмат ғорида ибтидоий одамлар милоддан 100-40 йил аввал яшаганлар, деб ҳисоблашга имкон беради. Ибтидоий одамлар асосан, термачилик ва ёввойи ҳайвонларни овлаб ҳаёт кечиришган. Археологик қазишмалар давомида топилган ҳайвон суяклари улар тоғ эчкиси, буғу, жайрон, архар, тўнғиз каби ҳайвонларни овлаб, тирикчилик қилганидан далолат беради. Бугунги кунда бу ерда топилган тош қуролларининг сони 30 мингдан ошиб кетди. Уларни тайёрлаш техникаси мустье даврига оид бошқа манзилгоҳлардан топилган тош қуролларидан маълум даражада фарқ қилади. Оби-Раҳмат ғоридан топилган тош қуроллари тайёрлашдаги ўзига хос хусусиятлари ва ҳар бир маданий қатламда топилган тош қуролларининг ўзаро қиёсий таҳлили уларнинг ривожланишида узвийлик борлигини кўрсатади. Ғордан топилган тош қуролларининг айнан шу томонларини янада мукаммал ўрганиш ва уларнинг сабабларини аниқлаш археологларни қизиқтирмоқда. Оби-Раҳмат ғорида узоқ йиллар давомида кўплаб мамлакатлар археолог олимлари томонидан тадқиқотлар олиб борилишининг асосий сабаби ҳам ана шу масалаларни ойдинлаштиришга қаратилган. Бу масалалар нафақат ўзбек археологларида, балки рус ва бошқа қадимшунос олимларда ҳам катта қизиқиш уйғотиши табиий. Улар 1998 йилдан Оби-Раҳмат ғорида олиб борилаётган археологик тадқиқотларда фаол иштирок этмоқдалар ва бу борада муайян илмий ютуқларни қўлга киритдилар. Айниқса, 2003 йил тадқиқотлари жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган кашфиётлар билан якунланди. Ғорнинг 16 маданий қатламини ўрганиш чоғида жуда яхши сақланган ибтидоий одамларнинг 6 та тиши ва калла суягининг майдаланган парчалари топилди. Бу топилмалар қайд қилинган маданий қатлам милоддан олдинги 50 минг йиллар билан аниқланади. Мазкур қатламда топилган тош қуроллари билан Homo Sapiens одамига айланган эмас, балки инқилобий йўл билан бирданига Homo Sapiens одами пайдо бўлган деган фикрни рад этади.

Топилган суяк қолдиқлари шу ғорда ҳамкорликда ишлаётган Австралия, Россия, Швейцария, Япония ва германиялик олимлар томонидан обдон ўрганилиб, майдаланиб кетган одамнинг калла суяги тикланди. Олимларнинг тадқиқоти натижасида тишлар икки кишига, яъни 2 та тиш саккиз яшар ва 3 та тиш 4 яшар болага, бош суяги эса 8 яшар болага тегишли эканлиги аниқланди.

Россия Фанлар академияси академиги, атоқли қадимшунос А.П.Деревянко ва бизнинг гуруҳимиз аниқлашича, Оби-Раҳмат ғори илк юқори палеолит даврига тўғри келади. Унда топилган одам суяги қолдиқлари палеантропологик топилма сифатида катта аҳамиятга эга. Узоқ давом этган баҳс-мунозаралардан сўнг, ғорнинг юқори қатлами 42 минг, ўрта қатлами эса 48 минг йил аввал одам яшаганлигидан далолат беради, деб даврланади.

Марказий Осиёнинг тош даври тарихи кўп сонли археологик ёдгорликларнинг мавжудлигига қарамай, Ғарб олимлари учун ҳанузгача кўп жиҳатдан қоронғу бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам Оби-Раҳмат ғоридаги сўнгги кашфиётлар ўз ноёблиги билан бебаҳодир. Умуман олганда, одамзоднинг келиб чиқиши ва Ўзбекистон тарихининг энг қадимги босқичларини тушуниш ва ёритиш ҳамда мамлакат қадимиятини ўрганиш учун халқаро ҳамкорлик ҳақидаги шартномани янада ривожлантириш керак, деб ўйлайман. Шунингдек, Оби-Раҳмат ғорини ўрганиш ҳақидаги хулосаларнинг етакчи халқаро нашриётлар, жумладан, «Antiquinty», «journal of Human Evolution», «Nature» ва бошқа журналларда чоп этилишига эришиш керак. Шунингдек, Россия ФА Сибир бўлими Академияси ва этнография институти ҳамда ЎзФА Археология институти ҳамкорликда Оби-Раҳмат ғорининг қадимги тарихини монография сифатида нашр қилишни режалаштирган.

— Ўткир Исломович, ўлкамиз ўзининг геосиёсий ўрни билан жаҳон цивилизацияларининг шаклланиши ва ривожланишида муҳим мазмун касб этган ва этмоқда. Ана шундай жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган илмий кашфиёт ҳақида гап борганда, Оби-Раҳмат ғорини ўрганиш қайта-қайта таъкидланиши бежиз бўлмаса керак?

— Оби-Раҳмат ғори Тошкентдан 100 км шимолишарқда, Чотқол тоғларидаги Полтов сойининг юқори қисмида жойлашган бўлиб, ўзининг гўзал табиати ва мўътадил иқлими билан ажралиб туради. Ғор 1962 йили кашф этилган. Унда археологик тадқиқотлар ҳозиргача давом этмоқда. Ғорнинг кириш қисми кенглиги 20 метрга яқин, ички сатҳининг узунлиги 9 метрни ташкил этади. Олиб борилган археологик тадқиқотлар Оби-Раҳмат ғорида қадимги тош даврига оид умумий қалинлиги 10 метрни ташкил этган 22 та маданий қатламлар борлигини кўрсатди. Инсон фаолияти давомида пайдо бўлган маданий қатламларнинг бу ерда кўплиги, ғор узоқ вақт ибтидоий одамларнинг хуш кўрган, муқим манзилгоҳларидан бири эканлигидан гувоҳлик беради.

Археологик топилмаларнинг умумий таҳлили, яъни Оби-Раҳмат ғорида ибтидоий одамлар милоддан 100-40 йил аввал яшаганлар, деб ҳисоблашга имкон беради. Ибтидоий одамлар асосан, термачилик ва ёввойи ҳайвонларни овлаб ҳаёт кечиришган. Археологик қазишмалар давомида топилган ҳайвон суяклари улар тоғ эчкиси, буғу, жайрон, архар, тўнғиз каби ҳайвонларни овлаб, тирикчилик қилганидан далолат беради. Бугунги кунда бу ерда топилган тош қуролларининг сони 30 мингдан ошиб кетди. Уларни тайёрлаш техникаси мустье даврига оид бошқа манзилгоҳлардан топилган тош қуролларидан маълум даражада фарқ қилади. Оби-Раҳмат ғоридан топилган тош қуроллари тайёрлашдаги ўзига хос хусусиятлари ва ҳар бир маданий қатламда топилган тош қуролларининг ўзаро қиёсий таҳлили уларнинг ривожланишида узвийлик борлигини кўрсатади. Ғордан топилган тош қуролларининг айнан шу томонларини янада мукаммал ўрганиш ва уларнинг сабабларини аниқлаш археологларни қизиқтирмоқда. Оби-Раҳмат ғорида узоқ йиллар давомида кўплаб мамлакатлар археолог олимлари томонидан тадқиқотлар олиб борилишининг асосий сабаби ҳам ана шу масалаларни ойдинлаштиришга қаратилган. Бу масалалар нафақат ўзбек археологларида, балки рус ва бошқа қадимшунос олимларда ҳам катта қизиқиш уйғотиши табиий. Улар 1998 йилдан Оби-Раҳмат ғорида олиб борилаётган археологик тадқиқотларда фаол иштирок этмоқдалар ва бу борада муайян илмий ютуқларни қўлга киритдилар. Айниқса, 2003 йил тадқиқотлари жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган кашфиётлар билан якунланди. Ғорнинг 16 маданий қатламини ўрганиш чоғида жуда яхши сақланган ибтидоий одамларнинг 6 та тиши ва калла суягининг майдаланган парчалари топилди. Бу топилмалар қайд қилинган маданий қатлам милоддан олдинги 50 минг йиллар билан аниқланади. Мазкур қатламда топилган тош қуроллаларининг таҳлили Оби-Раҳмат тош қуролларининг ривожланишидаги узвийликни, ўрта палеолитдан юқори палеолитга ўтиш жараёни эволюцион тарзда юз берганлигини кўрсатади.

Оби-Раҳматда ўтиш даврига хос бўлган тош қуроллари, ўша даврда яшаган одам суяклари ва тишларининг топилиши инсоният тарихини ўрганишда аҳамияти ва қиммати беқиёс эканлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Фанлар академияси ҳамда Россия Фанлар академияси Сибир бўлими ташаббуси билан ўтган йилнинг 9-15 августида халқаро анжуман ўтказилди. Анжуманда 10 дан ортиқ хорижий давлатлардан келган таниқли мутахассислар қатнашдилар. Анжуман қатнашчилари конференциянинг Ўрта Осиё маркази Ўзбекистонда ўтказилиши бежиз эмаслигини, бу минтақа инсоният тарихи мобайнида цивилизациялар туташган ва ўзаро бир-бирига таъсир кўрсатган жой бўлганини яна бир бор таъкидладилар. Улар Оби-Раҳмат ғори топилмаларининг беқиёс илмий аҳамиятини инобатга олиб, тадқиқотлар натижаларини махсус халқаро нашрларда кенг ёритиш кераклиги тўғрисида қарор қилдилар.

Оби-Раҳмат ғорида археологик тадқиқотлар давом этмоқда. Чотқол тоғларида Оби-Раҳмат ғорига замондош манзилгоҳлар бир нечта. Тадқиқот доирасининг кенгайтирилиши, бу ёдгорликларда ҳам неандертал одам ҳозирги замон одамига ўтиш жараёнини ўзида мужассамлаштирган янги ноёб топилмаларнинг қайд қилиниши эҳтимолдан холи эмас.

Ҳозирги пайтда ҳудудимизда ўндан ортиқ топилма ишлари олиб борилмоқда. Ўйлайманки, бу фаолиятимиз жаҳон фани, айниқса, миллий тарихимиз ривожига катта ҳисса қўшади. Ватанимиз, қадимий бой тарихи билан ҳам улуғ, буюклигини ифода қилади, албатта.

Сухбатдош:
Карим НОРМАТОВ

ТЕХНИКАНГ СОЗ — МАШАҚҚАТИНГ ОЗ

Қиш бекорчилик фасли эмас. Муборак тумани деҳқонлари 2007 йил ҳосилига пухта тайёргарлик кўраяптилар. Мавжуд техника воситаларини мавсумга барвақт тайёрлаш учун жойларда таъмирлаш ишлари кўнгилдагидек амалга оширилаяпти.

— Тумандаги 430 нафар фермер билан шартнома тузганмиз, — дейди туман машина-трактор парки акционерлик жамияти раиси Набижон Боболов. — Ўтган йили фермерларга намунали хизмат кўрсатилди.

Айни пайтда «Гулистон» машина-трактор парки ҳамда туман МТПсида техникаларни баҳорги экиш мавсумига тайёрлаш учун 80 нафардан ортиқ таъмирловчилар иштирок этишаяпти. Сергей Икромов, Бозор Давронов, Шерали Қўчқоров, Акбар Эшқувватов, Карим Тўхтаев сингари тажрибали таъмирловчилар кунлик ишда унум ва юқори сифат бўлишини таъминлаяптилар.

Шавкат СУЛТОНОВ олган суратлар

Жараён

Маҳобатли тоғлар, кўкка юзланган қорли чўққилар дилга завқ-шавқ, ҳайрат солади. Улкан дарёни тош-қум босиб ётибди. Турнақатор тизилиб турган самосваллар карвони экскаватор тўлдириб берган тайёр қурилиш материалларини олиб, юқорига ўрлайди. Бункерлар тўла тош-қум узун лента устидан ўтиб конвейерга қуйилади. Обдон ювилгандан сўнг эса тош-қум ажратилади. Тош майдалайдиган ускуна катта-катта тошларни майдалаб, икки хил шаклга келтириб бир ён ўтказади. Шундан сўнг тайёр маҳсулотлар жўнатишга шайланади.

ТЎПАЛАНГ БЎЙЛАРИДА...

Сариосиё туманидаги «Шағал саралаш заводи» МЧЖ раҳбари Даврон Ҳайдаров нимаси биландир Асқад Мухторнинг «Ташвишларда бордек ҳаловат» асарининг бош қаҳрамонини эслатади.

Мазкур корхона 1988 йилда ташкил этилган бўлиб, қурилиш маҳсулотини, яъни тош-қумни аралаш қабул қилиб, қайта ишлашга (5х20 ва 20х40 ҳажмда майдаланган тош, тозаланган қум) ихтисослашган эди. Бошда у гуриллаб ишлади. Сўнгги йилларда эса иқтисодий жиҳатдан танг аҳволга тушиб, касодга учради. Вилоят хўжалик судининг ажримига асосан банкротлик тамойили қўлланиб, 12 ой муддатга ташқи бошқарув жорий этилди. Жамиятнинг 45 млн. 993 минг сўм кредиторлик қарзларига нисбатан мораторий жорий қилинди.

Уни оёққа турғазиш масъулияти эса тажрибали ташқи бошқарувчи Даврон Ҳайдаров зиммасига юклатилди. Бу 2005 йилнинг декабридаги гаплар эди.

Даврон ака даставвал ишни 14 млн. 994 минг сўмлик дебиторлик қарзларини ундиришдан бошлади. Бу маблағга завод технологиясини янгилашга ва таъмирлашга киришди. Атиги 10 нафар ишчи билан тинимсиз меҳнат қилинди. Кўрсатилган саъй-ҳаракат, фидойилик зое кетмади. Ҳозирги кунда бу ерда 33 нафар киши ишлаяпти. Уларнинг ўртача ойлик маоши эса 100 минг сўмни ташкил этмоқда. Ўтган йилнинг август ҳолатига кўра (ташқи бозорнинг 8 ойи мобайнида) молиявий соғломлаштириш режаси бўйича 20 млн. 133 минг сўм даромад олиниши белгиланган бўлиб, ҳақиқатда 29 млн. 150 минг сўм миқдорида даромад олинди.

Режа 144 фоизга уддаланди. Режага кўра 910 минг сўм соф фойда олиниши кўзда тутилган бўлиб, у 1 млн. 950 минг сўмдан иборат бўлди.

— Санациядан чиқай деб, қолибсизлар. Бунинг ўзи бўлмайди, албатта, — гапга тутамиз Даврон акани.

— Ишқилиб ишлаб ётибмиз.

— Ҳали ҳам муаммолар кўпми?

— Иш бор жойда муаммоларнинг бўлиши табиий. Нимани кўраётган, ҳис қилаётган бўлсангиз, шуни ёзаверинг. Муаммоларни ўзимиз ечиб олаверамиз.

Жамоа аҳли бошликдан мамнун. Бу ерда яхши-ёмон кунларда барча бир-бирига камарбаста.

— 1992 йилдан буён шу даргоҳда ишлаб келаман. Корхона иқтисодий таназзул арафасида турганида ҳолимиз танг бўлиб қолди. Ахир рўзғорни шу ердан кечирамиз-да. Қолаверса, бу атрофдаги кўплаб кишиларнинг ишлаб, оиласини тебратиши учун ҳам ушбу жамият фаолиятда бўлмоғи зарур, — дейди муҳандис Сафарбой Ҳожиев.

Бинобарин, қайтадан бунёд этилаётган биноларнинг қад ростлашида бу ердагиларнинг ҳам ҳиссаси бор. Тўпаланг дарёсида тош-қум кўп. У қанчадан-қанча иморатларни қуриб битиришга бемалол етиб ортади.

Шарофат НОРҚУЛОВА,
«Ишонч» мухбири

Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги олдидан

АНИҚ ТАШХИС, КАФОЛАТЛИ ХИЗМАТ

Ўзининг қутлуғ тўйини нишонлаш арафасида турган Марғилонда янги йил ибратли ва хайрли иш билан бошланди.

Бу ерда 1-оилавий поликлиника бутунлай қайта таъмирланиб фойдаланишга топширилди. Барча қулайликларга эга муассаса замонавий даволаш ва ташхис қўйиш тиббий анжомлар билан жиҳозланди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ўтган йили қадим шаҳарда тиббий хизмат кўрсатиш даражасини яхшилаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, касалликларнинг олдини олиш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди. Шаҳар марказидаги замонавий "Туғруқ уйи", еттита оилавий поликлиника, ўқувчи ва ўсмирлар диспансери таъмирдан чиқарилди. Шошилинч тиббий ёрдам маркази эса замонавий асбоб-ускуна ва траспорт воситалари билан таъминланди. "Саломатлик-1", "Саломатлик-2" лойиҳа-дастури доирасида 1 миллиард 300 миллион сўмликка яқин маблағ сарфланиб, тиббий муассасалар иш қўлами ва хизмат турлари кенгайтирилди.

"Туркистон-пресс"

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

Оролбўйи аҳолиси ҳаётида Нукус давлат педагогика институтининг ўзига хос ўрни бор. Ҳар йили институтни юзлаб ёшлар ўқитувчилик мутахассислиги бўйича тамомлаб, туманларга йўл оладилар. Эндиликда ҳар бир мактабда ушбу нуфузли ўқув юртини тамомлаган малакали ўқитувчиларни учратиш мумкин.

ИБРАТ НАМУНАСИ

Айни пайтда олий ўқув юртида 800 нафар ўқитувчи ва техник ходимлар меҳнат қилмоқда. Улар орасида профессорлар, олимлар, ёзувчилар талайгина.

— Меҳр-мурувват, ҳомийлик туйғулари бизнинг қон-қонимизга сингиб кетган, — дейди институт касаба уюшма қўмитаси раиси Кўмакбой Сатуллаев. — Айниқса, ўқитувчи учун бу касбий мезон, виждон амри бўлиши керак. Илм масканимизда талабаларни она-Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга улкан аҳамият берилмоқда. Улар нафақат ўз соҳасининг билимдонлари, балки меҳри дарё инсонлар бўлиб етишишлари учун ҳар бир профессор-ўқитувчи ўзини масъул деб билади. Ёшларга ибрат бўлмасдан туриб, «ундай бўл, бундай бўл», дейиш ўринли эмас. Шундай экан, биз аввало уларга, улар кўмагида эса бошқаларга меҳр кўрсатишимиз керак.

Талабаларни соғломлаштириш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш юзасидан ҳам қатор юмушлар бажарилмоқда. Спортнинг саккиз тури бўйича спартакиада ҳар байрамда ўтказиб келинади. Аксарият талабалар ётоқхонада истиқомат қилишади. Бошланғич касаба уюшмаси томонидан «Энг яхши ётоқхона», «Энг яхши хона» танловларининг ўтказиб, ғолибларнинг рағбатлантириб борилиши талабалар ҳаётининг янада серфайз бўлишига хизмат қилмоқда.

Ташкилот Маънавият ва маърифат бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти билан яқин ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. Улар билан биргаликда турли тадбирлар, танловлар, учрашувлар, викториналар ўтказиб борилади.

— Ҳомийлик кенг қамровли тушунча. Бир-бировга илиқ муносабат, муаммоларни ҳал қилишда ёрдамлашиш, ижтимоий ҳимоя унинг муайян кўринишларидир. Биз ташкилотимизнинг ҳар бир инсон қадрини муносиб ўрин қолдиришини, ҳамманинг дўстига, таянчига айланишини истаймиз ва шунга ҳаракат қиламиз, — дейди К.Сатуллаев.

Дарвоқе, институт 3-интернатни ҳомийликка олган. Деярли ҳар куни тарбияланувчилар билан мулоқот олиб борилади. Талабалар болажонлар учун турли қўғирчоқлар ясаб беришади. Байрам тантаналари ташкил қилишда ва ўтказишда ёрдам қилишади. Бошланғич ташкилот томонидан ҳар йили ҳар бир тарбияланувчига совға-саломлар тарқатилади.

— Ижтимоий ҳимоя йили бошланғич ташкилотимиз зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди, — дейди Кўмакбой оға. — Биз барча саъй-ҳаракатларимизни жамоадошларимиз ижтимоий ҳимоясини янада мустаҳкамлаш тадбирларига қаратамиз.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«Ишонч» мухбири

Спорт

ШОДА-ШОДА МЕДАЛЛАР БИЛАН

Ўзбекистоннинг дунёга танилишида спортнинг ўзига хос ўрни бор. Зеро, спорт дўстлик элчиси, миллат баркамоллиги негизидир.

Тойлоқ туман марказидаги касб-ҳунар коллежи 1999 йилга келиб олимпия заҳиралари касб-ҳунар коллежига айлантирилган эди. Бугунги кунда бу даргоҳда ўзига хос спорт мактаби вужудга келган. 700 нафардан ортиқ ёшлар спортнинг самбо, миллий кураш, белбоғли кураш, дзю-до, футбол каби ўнлаб тури бўйича шуғулланишади. Ёшлар, энг аввало, яхши устоз қўлида тахсил олишга, шу йўл билан ўз иқтидорларини рўёбга чиқаришга интиладилар. Икки карра жаҳон чемпиони "Ўзбекистон ифтихори" кўкрак нишони совриндори Шавкат Жўраев, халқаро тоифадаги спорт устаси Акром Эшовдек ўнлаб тажрибали мураббийлар сидқидилдан соҳа сирларидан ёшларни воқиф этаётирлар.

— 2006 йил жамоамиз учун ютуқларга бой бўлди,— дейди коллеж директори Баходир Саидов. —Бишкек шаҳрида ўтказилган самбо кураши бўйича Осиё чемпионатида Озод Пардаев биринчи ўринни эгаллаб, олтин медал соҳибига айланди. Афғонистонда ўтказилган Осиё чемпионати ва Москва шаҳрида бўлиб ўтган ўсмирлар ўртасидаги Жаҳон чемпионати ҳам спортчиларимиз учун муваффақиятли якунланди. Санто-Даминго Республикаси, Остона, Доҳа шаҳарларидаги қизғин беллашувлар янги-янги совриндорларимиз номларини кашф этди. Бир сўз билан айтганда, жорий йил давомида коллежимиз спортчилари республика миқёсидаги мусобақаларда қатнашиб, 70 та олтин, 52 та кумуш ва 67 та бронза медалларини қўлга киритдилар. Ушбу ютуқларимиз янги йил учун муносиб совға бўлади, деган умиддамиз.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
«Ишонч» мухбири

Эл соғлиги — юрт бойлиги

ЗАМОН ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИДА

Бухоро диагностика марказининг ташкил қилиниши вилоят соғлиқни сақлаш тизимидаги энг долзарб муаммолардан бири эди. Шу вақтгача маҳаллий аҳоли компьютер томографияси, рангли кадрлар Доплер УЗИ, замонавий лаборатория каби текширишлардан ўтиш учун Тошкент, Самарқанд шаҳарларига ёки катта миқдордаги сарф-харажатлар эвазига чет эл клиникаларига боришга мажбур бўларди. Замон талаблари даражасидаги аппаратлар ва тажрибали ихтисослашган мутахассисларга эга бўлган диагностика марказининг ташкил этилиши ана шундай оворагарчиликлар ва ортиқча харажатларнинг олдини олди.

Айни кунда марказда Американинг «Генерал-электроникс» компанияси маҳсулотлари — компьютер томограф «Sitec-3000», рангли кадрли Доплер — УЗИ «Vivid-3», Германиянинг «Human» фирмасининг замонавий лабораторияси, электрокардиограф каби камёб қимматбаҳо аппаратлари тўлиқ ҳажмда, юқори унум билан ишлаб турибди. Ушбу асбоб-ускуналар ёрдамида ҳар куни ўртача 75 — 80 нафар бемор текширишлардан ўтказилмоқда.

Эндиликда бу ердаги замонавий тиббий хизматдан нафақат бухороликлар, балки қўшни Навоий, Қашқадарё, Хоразм, Самарқанд ва бошқа вилоятлар аҳолиси ҳам баҳраманд бўлишяпти. Беморлар юқори малакали шифокорлар Тахмина Муҳаммадиева, Мирзо Абдуллаев, Мурод Жўраев, Елена Ким, олий тоифали ҳамширалар Зилола Сайфиева, Шаҳноза Ражабова, Оля Аджиева хизматидан чексиз миннатдор.

— Олдимизда хизмат кўрсатиш даражасини янада ошириш вазифаси турибди, — дейди марказ бош врачи, олий тоифали шифокор Шариф Ҳайитов. — Марказимизни офталмологик, ЛОР, неврологик, урологик, хирургик, акушер-гинекологик, физиотерапевтик асбоб-ускуналар билан янада бойитамиз. Бунинг учун чет эл компаниялари билан шартномалар тузиш жараёнлари амалга оширилаяпти. Шу йўсинда танлов асосида энг тажрибали ва билимдон мутахассисларни саралаб ишга қабул қилишда давом этаяпмиз. Зарурат туғилганда шифокорларимизни пойтахтга ва хориж клиникаларига малака ошириш учун юбориш чораларини ҳам режалаштирганмиз. Токи, Юртбошимизнинг элимиз саломатлиги учун кўрсатаётган катта ғамхўрлигига амалий иш билан жавоб берайлик.

Халқимизда, эл соғлиги — юрт бойлиги, деб аталмиш пурмаъно мақол бор. Зеро, тани сиҳат аҳолининг юрти обод ва фаровон бўлиши шубҳасиз.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ишонч» мухбири
Суратларда: марказ фаолиятидан лавҳалар.

Сиз кутган учрашув

СОКИН ОҚАЁТГАН ДАРЁ

Пойтахтга йўлим тушганида қадрдонлардан бири: «Негадир Ўринбой Нуралиев кейинги пайтларда кўринмай қолди-я?» деб савол берди. Шу саволга жавоб топиш мақсадида санъаткор ҳузурига йўл олдим.

Камгап, камтарин инсон Ў.Нуралиев ташрифим сабабини эшитгач, бироз ўйга толди.

- Ҳаёт йўли ҳар доим ҳам бир текис бўлмайди. Кўнгил хотиржам, кайфият чоғ бўлгандагина қўшиқ куйлаш юракка сиғади. Дастлаб оилам чироғи, суянган вафодорим рафиқам вафот этди. Кўнгил яралари энди битаётганда укамдан айрилдим. Шу тариқа анча вақтгача тор ушлашга қўлим бормади. Лекин қўшиқ дарди йўргакда теккани учун бир зум бўлса-да изланиш, янги қўшиқлар ишқи мени тарк этгани йўқ...

Ўринбой Нуралиев санъатга ёшлигиданоқ ихлос қўйди. Сабаби Наманган шаҳридан чақирсангиз овоз етадиган жойда, азим Сирдарёдан сал берида Бешкапа деган қишлоқ бор. Ана шу қишлоқда номи ҳанузгача унутилмаган, юз йилга яқин умр кўрган Абдулла сўфи яшаб ўтган. У киши маънавиятли инсон бўлган. Ўринбой ака ана шу кишининг набираси.

Ўринбойнинг мусиқага меҳр қўйишига санъатсевар, тўй-томошаларни гуллатадиган тоғаси сабаб бўлган. Ҳали мактаб ёшига етмаган Ўринбой тоғасиникига борар, унинг тор чертиши ва қўшиқ куйлашини ажиб ҳайрат ва мароқ билан кузатар эди.

Мактаб даврида у бадиий ҳаваскорлик тўгарагига қатнаб санъат сирини ўрганишга астойдил киришди. 9-синфда ўқиётганида Наманган радиосида унинг ижросидаги қўшиқ илк марта оҳанрабо тасмасига тушди. Унинг тиниқ, бетакрор овозини вилоят театри бош режиссёри Альберт Хачатуров ва таниқли санъаткор Каримжон Мансуровлар эшитиб қолиб, суҳбатга таклиф этишди.

- Аввалига уларнинг салобати босиб қўшиқ айтолмасам керак, деб ўйлагандим, - дейди Ў.Нуралиев. - Лекин устозлар далда беришди. «Баёт-5», «Раънолигинг бордир», «Суръатинг» қўшиқларини ижро этдим. Монолог сўрашганида «Алишер Навоий» драмасидан «Куй, ғазал...» дея бошланувчи машҳур парчани айтганимда уларга маъқул келди. Ўшанда мактабда ушбу саҳна асарида бош ролни ўйнаганим менга қўл келди...

Шу тариқа Ў.Нуралиев театрга ҳам қатнай бошлади. Санъаткор парвози концертдан концертга, спектаклдан спектаклга тобора юксалиб борди. «Ҳамза»да Алижон ролини маромига етказиб ижро этди ва томошабинлар эътиборини қозонди. Устозлар тарбияси ва кўмаги билан овози ҳам сайқаллашди. 1961 йилда Наманган вилоят сифатида тугатилиб Андижонга кўшилганида бир гуруҳ санъаткорлар Андижондаги Охунбобоев номли театр жамоаси сафига қўшилдилар. Улар қаторида 19 ёшли санъаткор Ў.Нуралиев ҳам бор эди. Муҳими, у ана шу катта жамоа ва таниқли санъаткорлар муҳитида камол топди.

- Андижондаги ҳаётим ва санъаткор сифатидаги фаолиятим давомида менга устозлик қилган инсонлардан бир умр қарздорман, - дейди ўша даврни эсларкан суҳбатдошимиз. - Менга саҳнадош бўлган Ойсар Иброҳимов, Машраб Юнусов ва бошқа кўплаб санъаткорлар билмаганларимни ўргатишди, камчиликларимни кўрсатишди. Ўша пайтда театр жамоасига раҳбарлик қилган машҳур санъаткор Аббос Бакировдан ҳам жуда кўп инсонийлик сабоқларини ўргандим.

Маълумки, томошабинлар 1939 йилда саҳналаштирилган «Лайли ва Мажнун» спектаклида Мажнун сиймосини 30 йил давомида Ойсар Иброҳимов талқинида кўриб келишган. Ушбу ролни Ўринбой Нуралиев ҳам қойиллатиб ижро этди ва томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Бир сўз билан айтганда, Ўринбой шу жамоада чинакам санъаткор сифатида шаклланди. Шу ерда ишлаб юрган даврида олий маълумот, 29 ёшида хизмат кўрсатган артист мақомини олди. Наманган вилоят сифатида қайта ташкил топгач, биринчилар қатори «уйга» қайтди, вилоят театрини қайта жонлантириш, жамоани шакллантириш йўлида куч-ғайратини аямади.

Ўринбой Нуралиевнинг гоҳ момоқалдироқдек гулдуросли, гоҳ тордек жарангдор, гоҳ эса юракларни сел қилиб оқизувчи ҳазин, кези келганда ипакдек майин овозининг ишқибозлари кўп. Ҳатто хорижий давлатларда ҳам уни йўқлаб туришади. Оҳанрабо тасмасига туширилган қўшиқларини Шарқ мамлакатларидан ташқари, Франция, Германия, Америка Қўшма Штатлари, Канадада яшовчи ватандошларимиз севиб тинглашади. Севимли санъаткоримизнинг айни пайтдаги юмушлари, ижодий режалари билан қизиқдик.

- Санъаткор ёши улғайган сайин тиниб, тиниқиб, сокинлашиб борар экан, - дейди у. - Янги қўшиқларим сирасидан Навоий, Фузулий ғазаллари ўрин олган. Ҳазрат Навоийнинг «Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлагай» деб бошланувчи ғазалини куйга солдим. Ўзбекистон халқ шоири Ҳабиб Саъдулланинг ғазал ва шеърларини қўшиқ қилдим. Яна бир қатор қўшиқлар устида ишлаяпман.

Етти нафар ўғил-қизнинг отаси ва бир этак набираларнинг бобосиман. Айни пайтда Наманган давлат университетида ёшларга санъат сирларидан сабоқ бераяпман. «Ишонч» ўқувчиларига сиҳат-саломатлик, оилавий бахт-саодат ва омад тилайман. Янги йил уларга фақат яхшилик келтирсин.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ. O'K.U.F. F.T.U.U. ОЛИЙ БАХТ

БОШ МУҲАРРИР
Абдуҳолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати:
Алла Долженкова,
Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари),
Маъмура Адилова,
Мирзоҳид Содиқов,
Носирхон Акбаров,
Ойсулув Нафасова,
Пиримқул Қодиров,
Соғиндиқ Ниетуллаев,
Шамси Эсонбоев,
Элёр Ёқубов,
Ғуломзокир Юсупов

Бизга қўнғироқ қилинг:
Котибият
153-52-78
Бўлимлар
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими: 153-87-63
Ижтимоий-иқтисодий сиёсат бўлими: 153-87-74
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими: 153-87-73
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт бўлими: 153-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш бўлими: 153-85-43
Реклама ва эълонлар бўлими: 153-03-90

БИЗНИНГ МАНЗИЛ:
700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134
E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Навбатчи котиб - А.Алламуродов
Навбатчи муҳаррир - А.Қодирова
Навбатчи - Т.Шернаев
Мусаҳҳиҳ - Д.Комолов

Саҳифаловчи-дизайнер: З.Бакиров ва Ю.Михайловский

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди - 21.30

Буюртма Г— 015
Тиражи: 19246

ВЕНГЕР ШАРҚШУНОСИНИНГ ЖАСОРАТИ

Бундан роппа-роса 140 йил мукаддам «Чиғатой тили дарслиги» чоп этилган эди. 1867 йилда Германиянинг Лейпциг шаҳрида босмадан чиққан бу нодир нашр Берлин, Париж, Лондон, Будапешт (Пешт) университетларининг туркий тилларни ўрганувчи талабалари ва туркийшуносликка қизиқувчи кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган. Таниқли венгер шарқшуноси Херман Вамбери томонидан ёзилган мазкур ноёб китоб ўз даврида кенг оммалашди.

«Хитойдан Дунайгача бўлган халқларнинг тиллари, уларнинг ички ва ташқи муносабатлари, кейинги тараққиёти — ҳаммаси бир-бири билан узвий боғликдир, — деб ёзган эди дарслик муаллифи. — Бир пайтнинг ўзида икки эътиқодда бўлиш оғир экан. Туркистоннинг саҳро ва ўтлоқларида ялангоёқ, дарвеш қиёфасида юриб, тил ва адабиётга оид қимматбаҳо манбалар тўплаб келганим учун ҳеч ким қойимаса керак, зеро, уларнинг фан ривожи учун аҳамияти катта, деган умиддаман».

Чиндан ҳам венгер олими ўзбек шеъриятининг буюк даҳоси Навоий ижодини ўрганишда жасорат кўрсатди. У Алишер Навоий асарларидан намуналарни немис тилига таржима қилишда ўз маҳоратини намойиш этди.

Дарвеш қиёфасида юртимизни кезиб, кўплаб манбаларни тўплаган Вамбери саёҳатдан қайтгач, дарслик яратишга киришди. Бунда биринчи навбатда Навоий асарларига алоҳида эътибор берди. Лондон ва Берлин кутубхоналаридаги асарлар билан танишди, Навоий асарларига оид луғатларни кўздан кечирди.

Шоирнинг «Маҳбуб ул-қулуб» асаридан катта бир боби немис тилига таржима қилди. Шундай қилиб, шарқшунос биринчи таржималарини дарслик-хрестоматияга киритган. Навоий рубоийлари таржималари ҳам китобхонлар эътиборини ўзига тортди.

Ўрта Осиёда туркий тилдаги бадиий асарлар таҳлилига оид мақолалар билан ҳам «Чиғатой тили дарслиги» орқали танишиш мумкин.

Вамбери Ўрта Осиё тўғрисидаги мақолаларини XX асрнинг бошида «Туркестанский ведомости» газетасида чоп эттирди.

Шарқшунос ва таржимон Вамбери маданий ҳазинамиз дурдоналарини Европа аҳлига ўз тилларида, намуна сифатида бўлсада, етказишга эришди.

Юқорида тилга олинган «Чиғатой тили дарслиги», шунингдек, «Ўрта Осиё очерклари» тўплами ҳозир Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг нодир адабиётлар бўлимида сақланмоқда.

Акбар АЛИЕВ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«TULPOR» савдо уйи масъулияти чекланган жамияти

Россия Федерациясининг барча турдаги «УАЗ» ва «ВАЗ» автомобилларини нақд пулга ҳамда пул ўтказиш йўли билан сотишини маълум қилади.

* Автомобилларга буюртмалар ҳам қабул қилинади.
* Автомобилларга божхона солиғи тўланган.
* Уларнинг сифати тўла кафолатланади.

Манзил: Фарҳод ярмаркаси, 3-қатор.
Мурожаат учун телефонлар:
(8-371) 276-33-51.Факс: (8-371) 117-46-01.

Имом БУХОРИЙ

АДАБ ДУРДОНАЛАРИ

Такаббурлик ҳақида

Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) Расули акрам (с.а.в.) дан ривоят қиладилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Ким ўзини бошқалардан катта деб ҳисобласа ёки юриш-туришларида бошқаларни писанд қилмай кибрланиб юрса, қиёмат куни Аллоҳу азза ва жалла ҳузурига борганда Аллоҳ таоло унга ғазаб назари билан қарайди", дедилар".

Кийимфуруш Солиҳ ўз бувисидан ривоят қилди, у аёл айтди: "Ҳз. Али бозордан бир дирҳамга хурмо сотиб олиб, уни ўзлари устларига ташлаб юрадиган чодирларига ўраб кўтардилар. Шунда мен: "Эй, амир ал-мўминин! Бу юкингизни мен кўтариб борай", деганимда, ҳз. Али: "Йўқ, аёлманд киши ўзи кўтариши керак", дедилар".

Аъробийлашиш ҳақида

Абу Ҳурайра (р.а.) айтдилар: "Катта гуноҳлар еттитадир; шулардан тўрттаси қуйидагилар: уларнинг биринчиси Аллоҳ таолога ширк келтириш, сўнгра инсонни ноҳақ ўлдириш, эрга теккан афифа хотинларни зинокор деб туҳмат қилиш ва аъробийлашиш (саҳро, дашти биёбонларга чиқиб кетиш)" .

Ислом аввалида шундай ҳукм жорий бўлган. Аммо шаҳар ерларда бирор фитна бўлиб, шориъ (қонун чиқарувчи) томонидан рухсат берилганда саҳрога чиқиб кетиш бундан мустасно (т.).

Ҳалимлик ҳақида

Ашаж Абулқайс (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.) менга: "Сизда Аллоҳ таоло яхши кўрадиган иккита ахлоқ бор экан", дедилар. Мен: "Улар нимадир, ё Расулуллоҳ?" — деб сўрганимда, Расулуллоҳ (с.а.в.): "Улар ҳалимлик ва ҳаё", дедилар. Мен яна: "Шу иккита хулқ менда аввалдан бор эдими ёки янгидан вужудга келганми?" — дедим. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): "Аввалдан бор бўлган", дедилар. Мен: "Мени ўзи севган иккита хулқ билан яратган Аллоҳ азза ва жаллага ҳамд ва ташаккурлар бўлсин!" — дедим.

Яъни бу икки хулқ менга ота-бобомдан (қондан) ўтиб келганми ёки Аллоҳ таоло ўзим билан бирга яратганми, демоқчи (т.).

Абу Саид Худрий (р.а.)дан ривоят қилишади: «Расулуллоҳ (с.а.в.) Ашаж Абдулқайсга: «Ҳақиқатда ҳам сенда Аллоҳ севадиган иккита хислат бор: булар вазминлик ва ишларда шошилмасликдир», дедилар».

Дуода қатъиятли бўлиш кераклиги ҳақида

Анас ибн Молик (р.а.)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Сизлардан бирор киши дуо қилса, қатъийлик билан қилсин, Аллоҳим, хоҳласанг бергин», демасин! Зеро, Аллоҳ бунинг учун уни ёмон кўрмайди», дедилар».

Дуода қўлни кўтариш ҳақида

Икрима (р.а.) жаноби Пайғамбар (с.а.в.) қўлларини кўтариб: «Албатта мен бир инсонман, мени азобга дучор қилмагин, бирор мўминга озор етказган ёки уни сўккан бўлсам, бунинг учун менга азоб бермагин», дея Аллоҳга дуо қилаётганларини Ойиша онамиз ривоят қиладилар, деди.

ЎзМЭИ тажриба хўжалиги фермер хўжаликларига айлантирилиши муносабати билан тажриба хўжалигининг 6 та лойиҳа участкасида жойлашган боғ-узумзорлар очиқ кимошди савдосига қўйилади:

5 лойиҳавий участка — умумий ер майдони 3,1 га, шу жумладан мевали боғ 3,0 га — бошланғич баҳоси 3815 минг сўм.

6 лойиҳавий участка — умумий ер майдони 3,15 га, шу жумладан мевали боғ 1,25 га, теракзор 0,05 га — бошланғич баҳоси 1307 минг сўм.

7 лойиҳавий участка — умумий ер майдони 3,05 га, шу жумладан мевали боғ 0,95 га, теракзор 0,05 га — бошланғич баҳоси 3705 минг сўм.

8 лойиҳавий участка — умумий ер майдони 2,9 га, шу жумладан боғ — 1,9 гектарга, узумзор 0,8 га — бошланғич баҳоси 3623 минг сўм.

9 лойиҳавий участка — умумий ер майдони 2,5 га, шу жумладан мевали боғ 2,1 га — бошланғич баҳоси 2457 минг сўм.

10 лойиҳавий участка — умумий ер майдони 3,3 га, шундан 1,6 га мевали боғ — бошланғич баҳоси 2190 минг сўм.

Кимошди савдоси 2007 йил 16 феврал куни соат 10.00 да Янгийўл тумани Гулбаҳор қўрғони Самарқанд кўчаси 41-уйда жойлашган УзМЭИ тажриба хўжалиги маъмурий биносида ўтказилади.

Кимошди савдосида қатнашиш истагини билдирган талабгорлар комиссияга 2007 йил 16 феврал куни соат 8.00 га қадар ҳужжатларни тақдим этишларини маълум қиламиз.

Талаб этиладиган ҳужжатлар:
— ариза;
— паспорт ксеронусхаси;
— 10 фоиз закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи квитанция.

Талабгор лойиҳа бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пулини қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлаши лозим:
АТ Пахтабанк Гулбаҳор филиали

Х\р 20210000600132406004
МФО 00852
ИНН 200588520
ОКОНХ 21150

Бир талабгорга 1 та лойиҳа сотилиши мумкин. Кимошди савдосида ғолиб чиққан шахс 15 кун ичида тўлиқ ҳисоб-китоб қилиши шарт. Тўлов ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда шартнома бекор қилиниб, закалат пули қайтарилмайди.

Мурожаат учун телефон: (код 8-371)58-61-239.
ЎзМЭИ тажриба хўжалиги қайта ташкил этиш комиссияси.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!

«Delta Trade Biznes» сизларни 2007 йил 21, 28 феврал, 7, 14, 28 март ва 4, 11 апрел кунлари соат 10. 00 да бўлиб ўтадиган АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Аукцион савдоларига банкрот деб эътироф этилган «Qursav - Biznes» МЧЖ га тегишли Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳар, 4 микрорайонда жойлашган умумий майдони 120,69 кв.м. бўлган Омборхона (дўкон) қўйилади.

Бошланғич нархи 7 002 202 сўм.

Тошкент шаҳар Дон маҳсулот ОАЖга тегишли бўлган Ҳамза тумани М. Ашрафий кўчаси, 106-уйда жойлашган умумий майдони 327 кв. м. бўлган лаборатория биноси.

Бошланғич нархи 10.912.000 сўм.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан бир кун аввал тўхтатилади.

Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10 фоизи миқдорида закалат пулини савдо ташкилотчиси «Delta Trade Biznes» халқ банки шаҳар бўлимидаги МФО 00821, СТИР 205806799, 20208000704434155001 ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт.

Манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани М-14, 19-уй.
Телефон: 144 88 04.

Гувоҳнома: № 000758

В соответствии с Постановлением Центра по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг за № 1127-1 от 18.04.05г. Компания FRUIT INDUSTRIALS S. A. раскрывает информацию о намерении приобрести 22 620 штук акций простых именных ОАО ИИ «TOSHKENTVINO KOMBINATI» г. Ташкент, что составляет 34,77 % от уставного фонда.

Адрес эмитента: г. Тошкент, Хамзинский р-н, ул. Ю. Ахунбабаева, 45.

Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ва тармоқ касаба уюшмалари жамоалари «Қашқадарё соҳили» санаторийсининг бош ҳакими Акрам Акбаровга волидаи муҳтарамаси

МУКАРРАМА аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси